



Айласанг оғох мени (Нисорий ғазали)



Айласанг оғох мени «Ё Раббано», деб кичкирай,
Бу гунохим ёд этиб, «Кечгил Худо», деб кичкирай.

Гафлат ичра ўтти умрим, килмадим тоат санга,
Фазли раҳмат кўз тутиб, лутфи ато, деб кичкирай.

Бу холим айлаб баён, ожизлигим такрор этиб,
Тавба бирла ёд этиб, «Килдим хато», деб кичкирай.

Ихтиёрим бирла мен рохи адамдин келмадим,
«Халк этибсан, Холиким, килдинг бино», деб кичкирай.

Даргохингдин бошка йўк ушбу бошимни ургали,
“Чорасиз дардимга сен килгил даво”, деб кичкирай.

Деб каломингда расул (с.а.в.) «Ё рахматан лил аламин»,
Бу сенинг амринг тутиб, «Ё Мустафо», деб кичкирай.

Десалар: «Эй умматим, холинг надур, кўп йиглама»,
Уммат ичра «Ё расул, холим табо», деб кичкирай.

Бодаи лутфи шафоатдин ичиб, сармаст бўлиб,
«Бу гунохим дардига топдим шифо», деб кичкирай.

Гар насиб бўлса, шафоатдин мане бечорага,
Биру боримга яна «хамду сано», деб кичкирай.

Бу карамни(нг) сояси тушса Нисорий бошига,
Демайин танхо ўзим, сиз ошно, деб кичкирай.

Шарх: Айласанг огох мени...

Парвардигоро! Фазлу мархаматинг ила мен ожиз бандангни нафс гулуси шайтони лайъин васвасасидан огох эт. Ўзингни тоабат зикр этгувчилардан айлаки, «Ё Раббано» каломи дилимдан, тилимдан кетмасин. Гунохларим кўп. Гунохкор бандалар учун нажот факат ўзингсан. Сенгагина сигинаман, Сендангина мадад — истигфор сўрайман. Умрим йўлида гафлат соатлари кўп бўлди. Баъзан Сенинг зикрингдан, Сенга ибодат килишдан чалгидим. Албатта, Сен чексиз рахмат ва фазл сохибсан. Умидим сўнмагай. Сендангина умид киламан. Нафс шайтон алдовларига мойилдир. Мен эса нафс олдида баъзан ожизман. Ўз ожизлигимни такрор-такрор тан олишдан уялмайман. Зеро, бор-йўги ожиз бандангман, Парвардигори олам. Хатокорман, хатокорлигим боис кўпинча Сени истигфор каломи ила зикр этаман. Менинг йўклик оламидан бино бўлишим ва Сенинг ихтиёринг ила халк аталишимда илохий сир ва буюк хикмат бор. Жамики оламлар ичра бош уришга лойик бирор остона йўкки, Сенинг даргохингдан бошка! Бедаво дардим шифосини хам албатта Сен бера оласан ё Аллохи Карим! Сен оламларга рахмат килиб юборган Мухаммад Мустафо (с.а.в.) ортларидан хам факат Ўзингнинг амринг билан эргашдим. Рўзи киёматда Расули акрам (с.а.в.) «Холинг надур», - деб сўрасалар, У зотдан шафоат тилайман ва забун холимни баён этгайман. Сенинг изминг ва мархаматинг ила пайгамбар (с.а.в.) шафоатларига эришсам, «дардимга шифо топдим», - дея бахтиёрликдан кичкириб юборсам ажабмас. Шунда хам бахту саодат нашидасининг ижодкори Ўзинг эканингни биламан ва факат Сенга хамд айтаман. Бундай улуг караминг соясидан факат Нисорийни эмас, барча мўъмин биродарларни бахраманд эт, ё Рахмон!

Рахматуллох Носирнинг
"Соз билан суҳбат" китобидан